



**15-16 APREL
2022**

**TOSHKENT
O‘ZBEKISTON**

**“GEOGRAFIK TADQIQOTLAR: INNOVATSION G‘OYALAR
VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI”**

XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA



CONFERENCES.UZ

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
G.O. MAVLONOV NOMIDAGI SEYSMOLOGIYA INSTITUTI**

O‘ZBEKISTON GEOGRAFIYA JAMIYATI

**“TADQIQOT.UZ”
XALQARO ILMIIY JURNALLAR PORTALI**

**GEOGRAFIK TADQIQOTLAR:
INNOVATSION G‘OYALAR VA RIVOJLANISH
ISTIQBOLLARI**

**II
XALQARO ILMIIY-AMALIIY KONFERENSIYA
MATERIALLARI**

TO‘PLAMI

Toshkent - 2023

Geografik tadqiqotlar: innovatsion g'oyalar va rivojlanish istiqbollari:
II Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plam (15–16-aprel, 2022-yil, Toshkent). –Toshkent.: TADQIQOT.UZ, 2023. – 847 bet.



<http://doi.org/10.5281/zenodo.4751426>

To'plamda keltirilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijalaridan tabiiy geografiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, iqtisodiy va ijtimoiy geografiya, xorijiy mamlakatlar iqtisodiyoti va mamlakatshunoslik, tashqi iqtisodiy faoliyat, turizm, gidrologiya, gidrometeorologiya, geologiya, geodeziya, kartografiya hamda geoinformatika sohalaridagi mutaxassislar, ilmiy xodimlar, mustaqil izlanuvchilar, doktorantlar, magistratura va bakalavriat talabalari, umumiy o'rta ta'lim maktablari, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari o'qituvchilari hamda geografiya faniga qiziquvchilar foydalanishlari mumkin.

Tahrir kengashi:

g.f.d., professor Hikmatov F.H.
g.f.d., katta ilmiy xodim Rafiqov V.A.
g.f.n., dotsent Sharipov Sh.M.

Kengash a'zolari:

g.f.n., dotsent Tashtayeva S.K.
g.f.n., dotsent Shomurodova N.T.
PhD, dotsent Shomurodova Sh.G'.
PhD, dotsent Prenov Sh.M.
PhD, dotsent Raxmonov D.N.
PhD, dotsent Raxmonov K.R.
PhD, dotsent Umirzoqov G'.O'.

Mas'ul muharrir:

Ibragimov Sh.U.

©Mualliflar jamoasi

©tadqiqot.uz



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7508969>

ЎҚУВЧИЛАРДА БИЛИМ ВА ТАФАККУР ҚАЧОН ЮКСАЛАДИ? ҚАЧОНКИ, ТАЪЛИМДА НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ ТАЪМИНЛАНСА...

Хидиров Равшан Хазратқулович

магистрант

Тошкент вилояи Чирчиқ давлат педагогика инстиути

Аннотация: Таълимда назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш чора-тадбирлари ҳамда самарадорликни ошириш йўллари, ёш авлод тафаккурининг юксалиши, истеъмолчилик маданиятини йўлга қўйилиши, ўқувчиларнинг жамиятдаги ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, энергия манбааларидан оқилона фойдаланиш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: модернизациялаш, табиий ресурслар, истеъмолчилик маданияти, энергетика ислохотлари, аҳоли эҳтиёжи.

WHEN WILL STUDENT'S KNOWLEDGE AND THOUGHT INCREASE? WHEN CONSISTENCY OF THEORY AND PRACTICE IS INSURED IN EDUCATION...

Khidirov Ravshan

Annotation: Ways to increase the proportion of practical and theoretical practice in education, the rise of the thinking of the younger generation, establishment of consumer culture, enhancing students' sense of involvement in community reform, the issues of rational use of energy resources are highlighted in this annotation.

Key words: modernisation, natural resources, consumer culture, energy reform, population needs.

Инсониятнинг бугунги ва келажак ҳаёти учун энергия ресурсларининг ўрни беқиёс. Зеро, ҳаётимизнинг бирор соҳасини электр таъминотисиз тасаввур этиш қийин. Бугун бизнинг энг яқин дастуримизга айланган мобил телефондан тортиб жамият ҳаётининг барча соҳаларида қўлланилаётган ҳар бир технология самарали ишлаши учун электр энергия зарур.

Шу боис, аҳолини ва барча тармоқларни энергия билан барқарор таъминлаш глобал миқёсдаги устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Халқаро ҳамжамият томонидан 2014 йилдан 2024 йилгача давом этадиган 10 йиллик айна шу долзарб мақсадга йўналтирилгани замирида ҳам ҳар бир инсон учун муносиб турмуш шароити яратиш мақсади мужассамдир.

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам халқимиз фаровон ва муносиб турмуш кечириши учун барча қулай шароитларни яратиш устувор вазифа этиб белгиланган. Жумладан, электр энергияси ва табиий газ ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, аҳоли ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг энергия ресурсларига бўлган талабини тўлиқ қондириш, қолаверса, энергетика объектларини модернизациялаш каби муҳим чора-тадбирлар ҳам қамраб олинган.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки 2030 йилга бориб, юртимизда электр энергияси истеъмоли деярли 2 баробар, яъни 100 млрд. кВт.соатдан ошиши башорат қилинапти. Аҳолининг бу эҳтиёжини қондириш учун соҳадаги ислохотларни янада янги босқичга кўтариш муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда ушбу йўналишдаги ишларни ташкил этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий механизмлари такомиллашяпти. Қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланишга эътибор кучаймоқда. Бу йўналишда тегишли қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, уларнинг ижроси юзасидан кенг қамровли лойиҳалар бажарилаяпти. Шу билан бирга, аҳолини узлуксиз электр энергия билан таъминлаш мақсадида жойлардаги электр тақсимлаш станциялари ҳам модернизация қилинапти.

Айтиш керакки, энергия ишлаб чиқаришдан токи истеъмомолчига етгунигача бўлган жараён анча машаққатли меҳнат ва каттагина харажат ҳисобига амалга ошади. Шу боис, дунёнинг ҳатто ривожланган давлатларида ҳам электр нархи анча қиммат туради. Дунёнинг бошқа давлатлари билан солиштирганда мамлакатимизда бу кўрсаткич анча арзон эканига ишонч ҳосил қиламиз. Албатта, бу давлатимиз томонидан халқимиз фаровон ва тўқис турмуш кечиришини таъминлаш учун яратилаётган шароитлар самараси ҳисобланади. Давлатимиз томонидан яратиб берилаётган бундай қулайликларга жавобан биз аввало электр энергия ва бошқа табиат неъматларини тежаб-тергаб ишлатишимиз, қолаверса, электр, газ, сув ва бошқа кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлаб боришимиз керак. Афсуски, барча ҳам бунга амал қилади, деб бўлмайди. Электр энергияни ҳуда-беҳуда исроф қилиш, айниқса, электр тармоқларига яширинча уланиб олиш, электр ҳисоблагичларга шикаст етказиб фойдаланилган энергия ва бошқа табиий ресурслар учун тўловдан бўйин товлайдиганлар ҳам учраб туради. Албатта, бундай ҳолатларга тегишли идоралар қонун доирасида чора кўрмоқда.

Халқимизнинг миллий кадриятларига тўғри келмайдиган бундай муаммоларга қарши курашиш, ёшлар онгига бу борадаги эзгу анъаналарни чуқур сингдириш ва табиий бойликларни тежашга ўргатишда таълим тизимининг ҳам

ўзига хос ўрни борлиги таъкидлаш жоиз. Маълумки, бугунги кунда умумтаълим муассасаларида ўқувчи ёшларга турли фанлар бўйича таълим ва тарбия бериш баробарида уларнинг назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаш мақсадида турли машғулотлар ҳам ўтказилади. Жумладан, география фани ўқув дастурлари негизида ёшларга жаҳон ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган энергетика ислохотлари хусусида тушунчалар бериб борилади.

Яқинда ўзим фаолият юритаётган мактабда ўқувчиларнинг бу борадаги олган назарий билимларини синовдан ўтказиш, ёшларнинг табиий ресурсларга нисбатан тежамкорлик муносабатини, истемолчилик маданияти нечоғлик шакланганини ўрганиш мақсадида иншолар танлови ўтказдик. Ўқувчилар ўз иншоларида дунё ва Ўзбекистон энергетикаси бугунги ҳолати, қайта тикланувчи энергетика ресурслари ва улардан фойдаланиш салоҳияти, атом энергетикасидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш самаралари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Иншоларни ўқиб чиқиб бу йўналишда ўқувчилик билимида саёзлик аниқланган мавзулар бўйича дарсларга қўшимча семинар машғулотлар ҳам ташкил этдим. Семинарларда кўргазмали ўқув куроллари воситасида ўқувчиларга мавзу юзасидан янада кўпроқ маълумот ва тушунчалар берилди ва қайта иншолар танлови ўтказилди. Кейинги босқичда иншолар билан танишар эканман, ўқувчиларнинг назарий билими билан бир қаторда ҳар бир табиат неъматлари, айниқса, электр энергиядан оқилона фойдаланиш, уни тежаш, ишлатилган энергия ҳақини ўз вақтида тўлаш борасида фикрлаш доираси анча кенгайганига гувоҳ бўлдим.

Бир ўқувчи ўз иншосида хонадонда анъанавий лампаларни замонавий тежамкор лампаларга алмаштириш натижаларини рақамларда солиштиришга ҳаракат қилган. Яна бири битта хонадонда электр ҳисоблагичга шикаст етказилиши оилага ва давлатга қанча зарар келтиришини ўз тасаввурича ифодалашга ҳаракат қилган. Ўқувчиларнинг ноанъанавий энергия манбалари – қуёш, сув, шамол энергиясидан фойдаланиш истиқболлари бўйича тушунчалари ҳам анча кенгайган.

Умуман олганда, бу ижодий танлов ўқувчиларнинг назарий билимини мустаҳкамлаш билан бир қаторда мустақил фикрлаш қобилиятини ҳам ошириш, жамиятдаги ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтиришда ўз ўрнига эга бўлди, деб ўйлайман. Зеро, бугун ёзган ишноларига олган баҳоларидан мамнун бўлиб кўзларидан нур порлаб турган бу жажжи қалблар эртага бир оиланинг устунни, қайсидир соҳанинг малакали мутахассиси бўлиб етишиши табиий. Ўшанда уларнинг қалбига бугун мактаб деб аталмиш муқаддас таълим даргоҳида экилган эзгулик нури ўз маҳсулини бериб, ёшларимиз аввало оилада, қолаверса иш ва жамоат жойларида табиий бойликларга тежамкорлик ҳисси билан

ёндошишига, ўзгаларни ҳам бунга даъват этишига ишончимиз комил. Зеро, улуғларимиз айтганидек, ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3238-сонли Қарори.
2. Ляхомский А.В., Скоробогатов А.В. Энергоменеджмент в горных предприятиях// “Энергосбережение в промышленных предприятиях”, -Магнитогорск, 2000.232-233 С.
3. Аллаев К.Р. Энергетика мира и Узбекистана. – Т.: Молия, 2007.-388с.
4. www.eni.com
5. <https://www.eni.com/static/en-IT/world-energy-magazine>
6. www.scimagojr.com